МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁДАН СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ 2-бет

ЯРИМ АСРДАН СЎНГ УЧРАШУВ 3-бет

АЁЛ БИЛАН МУНАВВАР ОЛАМ



4-5-бетлар

ҲИКМАТ — БИР ҲОВУЧ ОЛТИН 6-бет

ДУШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 117 (10.170) / 2004 ЙИЛ 21 ИЮНЬ

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### ҚИСҚА сатрларда

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошида ташкил этилган Олий бизнес мактабининг коорпоратив бошқарув марказида кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Тошкент Давлат архитектура ва қурилиш институтида «Гиёвандлик аср вабоси» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар шифокорлар малакасини ошириш институтида шифокорлар куни муносабати билан ўтказилган тадбирда соҳа фахрийларига совғалар топширилди.

● **ШУ** ҳафта мобайнида Чорсу тил ўқитиш марказида шаҳримиздаги барча академик лицейларнинг инглиз тили ўқитувчиларига малака ошириш курслари бўйича Ўрта Осиёга беғараз ёрдам корпорацияси вакиллари томонидан ўқув дарслари олиб борилади.

● **ЧИЛОНЗОР** туманидаги сувни тозалаш ускуналарини ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Акватех» корхонаси франциялик шу соҳа мутахассислари билан ҳамкорликни йўлга қўйди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорликларида Акмал Икромов туманидаги Қурилиш касб-ҳунар коллежида уюштирилган давра суҳбати жамият ҳаётида хотин-қизлар фаоллигини ошириш масаласига бағишланди.

● **ТАДБИРКОРЛАР** ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон—либерал-демократик партияси Ҳамза тумани бўлими Кенгашида бўлиб ўтган йиғилишда партиянинг янги аъзоларига гувоҳномалар топширилди.

● **ШАЙХОНТОҲУР** туманидаги «Ипакчи» маҳалласида фаоллар иштирокида ташкил этилган тадбир «Меҳр ва мурувват — зиёдан бошланур» деб номланди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

*Мустақиллик иншоотлари*



**Пойтахтнинг Асомов ва Эргашев кўчалари ҳамда Амир Темур кўчаси кесишган чорраҳада янги кўприк қурилиши ишлари давом этмоқда.**

## ЯНА БИР КЎПРИК БУНЁД ЭТИЛМОҚДА



**Кўприкнинг умумий узунлиги 621 метр бўлиб, эстакада узунлиги эса 276,5 метрни ташкил этади.**

**Тошкент Кичик ҳалқа йўли асосига кирувчи мазкур кўприк «Кўприкқурилиш» трестининг 13-(Тошкент), 14-(Тахиатош), 67-(Тошкент) отряд қурувчилари томонидан бунёд этилмоқда.**

**Айни кунларда иш қизғин тус олган. Уч юз нафардан зиёд қурувчилар кечаю кундуз ишламоқда. Мазкур объектнинг Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.**

**СУРАТЛАРДА: кўприк қурилишидан лавҳалар; пайвандчи Дамир Латфулин.**

**Муҳаммад Амин (ЎзА) олган суратлар.**

## ТАЪЛИМДАГИ ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

**Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳаётга изчил татбиқ этилаётир. Бу борада жаҳоннинг ривожланган давлатлари билан ҳамкорлик ҳам яхши самара бермоқда.**

Япония ҳукуматининг Беғараз ёрдам дастури бўйича «Кадрлар тайёрлаш учун стипендиялар ажратиш лойиҳаси - /JDS/» ана шу мақсадга хизмат қилади. Вазирлар Маҳкамасида Кунчиқар юртнинг ушбу грантига оид алмашинув ҳужжатларини имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Беш йил мобайнида муваффақиятли амалга ошириб келинаётган мазкур лойиҳага кўра, юртимиз ёшлари иқтисодиёт, ҳуқуқ, бизнес бошқаруви, менежмент, ахборот технологиялари, халқаро муносабатлар, муҳандислик каби йўналишларда Япониянинг нуфузли университетлари магистратурасида малака ошириб қайтмоқда.

Бу йилги Япония ҳукумати томонидан ажратилган грантлар миқдори 542 миллион япон иенасига тенг бўлиб, яна 20 нафар юртдошимиз Японияда таҳсил олади.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаев, Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Акио Кавато мазкур грантга оид алмашинув ҳужжатларини имзолади.

ЎзА

## БИРИНЧИ ЎЗБЕК МОТОЦИКЛЛАРИ

**«Dedeman Silk Road» меҳмонхонасида YAM 100S моделидаги «YAMAHA» мотоцикллари тақдимоти бўлиб ўтди. Уни мамлакатимизнинг «YMS-TOEMZ» масъулияти чекланган жамияти ташкил этди.**

112 мотоциклдан иборат биринчи туркум Тошкент синов-тажриба заводида Япониянинг «YAMAHA» компанияси бутловчи қисмларидан Кунчиқар мамлакат мутахассислари билан биргаликда йиғилди. Жорий йил охиригача бу кўрсаткични 500 тага етказиш режалаштирилмоқда. Мотоцикллар нархининг арзонлиги, оддийлиги ва мустаҳкамлиги билан ажралиб туради.

ЎзА

*Обуна — 2004*

## «ОҚШОМ» — СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ

**Ҳурматли газетхон!**

«Оқшом» газеталари доимо сизнинг энг яқин ҳамкорингиз, маслаҳатчингиз бўлиб келган. Буни сиз азизлардан таҳририятимизга келаётган мактублар, телефон қўнғироқлари исботлаб турибди. Таҳририят ходимлари эътиборингиз учун сизга миннатдорчилик билдирган ҳолда шуни маълум қиладики, газеталаримизга 2004 йилнинг иккинчи ярим йиллиги учун обуна давом этмоқда. Агар биз билан ҳамкорлик қилишни истасангиз обуна бўлишга шошилинг. Чунки газетамиз саҳифаларида шаҳримизнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳаётида юз бераётган энг сўнгги янгиликлар, воқеалар, Сиз азизларнинг ўй-кечинмаларингиз, таклифларингиз, мулоҳазаларингиз битилган мактублар, долзарб мавзулардаги мақолалар мунтазам бериб борилади. Дарвоқе, газетамизга исталган алоқа бўлимида ёзилишингиз мумкин.

## XXI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

● **Қашқадарё вилоятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг вилоятдаги ижросига бағишланган сайёр йиғилиши бўлиб ўтди.**

● **Тошкентда «O'ZBEKinPRINT» (полиграфия, нашриёт иши, реклама), «O'ZUPACK» (идиш, қадоқлаш, этикетка) кўргазмаларининг очилишига бағишланган тақдимот маросими ўтказилди.**

● **«Ўзбекистон қўшиқ байрами» кўрик-танловининг Тошкент вилоят босқичи якунланди. Танлов ғолиб ва совриндорлари республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.**

● **Вобкентда Ўзбекистон ҳукумати ва БМТнинг Тараққиёт дастури томонидан ишлаб чиқилган «Тараққиёт» қўшма лойиҳаси асосида «Вобкент» туманлараро бизнес-инкубатори ўз фаолиятини бошлади. У Вобкент ва қўшни туманлардаги кичик ва хусусий бизнес субъектларига хизмат кўрсатади.**

● **Янги ўқув йилига Бухоро автомобиль йўллари коллежининг 750 ўринга мўлжалланган биринчи ўқув блокини ишга тушириш режалаштирилмоқда. Ҳозирда 4 қаватли ўқув корпуси биносини таъмирлаш ишлари тугалланди.**

● **«Намангантекстил» акционерлик жамияти томонидан ишлаб чиқарилаётган замонавий матолар жаҳон бозорида рақобатбардошлигини намоён қилмоқда. Корхона матоларига буюртмалар Қозоғистон, Россия, Германия, Англия ва Болтиқ бўйи мамлакатларидан тушмоқда.**

### Жаҳонда

● **Япония Вазирлар маҳкамаси Ироқ мамлакатининг бошқаруви ўтиш ҳукуматига топширилганидан сўнг Ироқда 550 нафар ҳарбий хизматчини қолдириш тўғрисида қарор қабул қилди.**

● **Тан олинмаган Абхазия Республикаси президенти маъмуриятининг раҳбари Геннадий Гагулиа истеъфога чиқди.**

● **Туркия полицияси 28-29 июнь кунлари Истамбулда бўлиб ўтадиган НАТО саммитида террорчилик ҳаракатини уюштирмоқчи бўлганликда гумон билан 4 нафар шахсни қўлга олди.**

● **Покистон пойтахти Исломобод шаҳридаги кўприкларнинг бирида йўловчи ташиш автобусининг юк ташувчи машина билан тўқнашиши натижасида автобус кўприкдан қулаган. Тўқнашув оқибатида 40 нафарга яқин киши ҳалок бўлди.**

● **Гонконгда жиноятга қарши курашда қўлланиладиган янги замонавий технологик воситаларнинг Азия Securitex 2004 кўргазмаси бўлиб ўтди.**

## Оламда нима гап?

### Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● Ҳар йили ўтказиладиган «Олтин глобус» навбатдаги 62-маросими 2005 йилнинг 15 январида Beverly Hiltonда бўлиб ўтади. Ушбу мукофотни топшириш маросими тўғридан-тўғри эфирга NBC канали орқали узатилади.

● Шимолий Корея (Корея Халқ Демократик Республикаси)нинг ядро дастури муаммолари бўйича олиб борилаётган олти томонлама музокараларнинг учинчи босқичи 23 июндан 26 июнгача Пекинда ўтказилади. Бу ҳақда Хитой Ташқи ишлар вазирлиги берган манбаага асосланиб, Синхуа агентлиги хабар тарқатди.

● Чеченистон сайлов комиссияси республика президентлигига тўққизинчи номзодни ҳам рўйхатга киритди. Бу ҳақда «Новости» агентлиги хабар тарқатди. Номзод Электрогорс шаҳрида яшовчи пенсионер Хусейн Бибулатов бўлиб, у аввалги сайловда ҳам номзодини қўйган ва беш фоиздан ортиқ овоз олишга эришган.

● Бразилия хавфсизлик хизмати ходимлари президент саройидаги жосусни қидиряпти. Кимдир махфий маълумотларни ташқарига чиқариб юборяпти. Бу ҳақда президент маслаҳатчиси Луиса Игнасиу Лула да Силва маълум қилди. Мамлакатда чоп этиладиган Veia кундали нашрида ёзилишича, юқори мансабли ҳукумат ходимларидан бири маълумотларни мухолифатдаги сиёсатчиларга етказиб турганлиги тахмин қилинмоқда.

● Грузиянинг барча ҳудудларида фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Боиси, мамлакатнинг ғарбий қисмидаги Кутаиси шаҳридаги қамоқхонадан 50 га яқин маҳбуслар қочишга муваффақ бўлган. Хавфли томони шундаки, маҳбусларнинг аксарияти қуролланган.

● Ўзининг 80 йиллик юбилейи арафасида АҚШнинг собиқ президенти Жорж Буш парашютдан сакради. Аслида бу маросим ўтган ҳафтага мўлжалланган эди. Бироқ, сакраш белгиланган кунда яна бир собиқ президент Рональд Рейганнинг вафот этиши парвозни кечиктирди. Рейган даврида вице-президент лавозимида ишлаган Буш собиқ раҳбари дафн маросимини ўтказгач режалаштирилган парвозни амалга оширди.

● Чехияда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган жаҳон рекорди ўрнатилди. Ёзувчи Йозеф Форманек 12 соат ичида «Уча-ётган арслон» романини ёзиб тугаллаб, барчани ҳайратда қолдирди. Муаллиф қурьа йўли билан янги ёзилажак китоб мавзусини танлагач, махсус кузатув гуруҳи шоҳидлигида Прага вақти билан соат 15.00 да ижодий ишга киришди. Улкан рекорд муаллифи сифатида тарихда қолишни истаган адибнинг қандай ижод қилаётганини ҳамма ҳам кўриши мумкин эди — ёзувчи ўз асарини пойтахт Прагада жойлашган китоб дўкони витринасида қоғозга тушираётган эди. Эртасига айни шу соатда Чехиянинг тўққизта шаҳрида жойлашган китоб магазинларига Форманекнинг бир кечада тамомлаб, босмадан чиқарилган романи етиб борди.

*Кичик ва хусусий бизнес*

# ХАРИДОР ДИДИГА МОС

**Чинданам харидор дидига мос, эҳтиёжига хос товарларнинг бозор иқтисодиёти шароитида ўзига яраша ўрни бор. Ана шундай ўринга эга бўлиш учун эса бозорни тинмай ўрганиш, янгиликни тез илғаб олиш даркор.**



«Муҳиба» хусусий фирмаси илк иш бошлаган кезларида ички кийим-кечаклар ишлаб чиқарган бўлса, ҳозирда эса хорижники ўрнини босувчи хилма-хил болалар, аёллар ва эркаклар устки кийим-кечакларини буюртмачиларга етказиб бермоқда.

— Асосий мақсадимиз маҳаллий хом ашёмиздан сифатли, замонавий бичимдаги, мавсумбоп тикувчилик маҳсулотларини тайёрлаб, харидорларга етказиб беришдир, — дейди фирма раҳбари, тадбиркор Муршида Асадуллаева. — Бунинг учун эса хориждан келтирилган тикув дастгоҳларидан унумли фойдаланамиз. Буюртмаларни эса ўз вақтида бажаришга эришяпмиз. Тикув цехимизда асосан ёшлар меҳнат қилишади. Шу боисдан ҳам уларнинг изланувчанлиги, янгиликка интилиши тайёрлаётган маҳсулотларимизда акс этмоқда. Айниқса, шу кунларда жажжи ўғил-қизларимиз учун спорт кийимларимиз харидоргирлиги билан ажралиб туради.



Тадбиркорларнинг меҳнати маҳсули бўлган маҳсулотлар турлари 50 хилдан ҳам ортиб кетди. Энг муҳими эса сифатга ҳам эътибор қаратилаётганидир. Негаки маҳсулот сифатли бўлса, харидори ҳам шунга яраша бўлади. Бозорларимизда четдан келтирилаётган маҳсулотлар ўрнини босиши билан бирга, бирмунча арзон, матолари иқлим шароитимизга мос бўлган бундай бежирим либослар тайёрлашдан кўзланган асосий мақсад мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига муҳим ҳисса қўшишдир. Айниқса, Муниса Шаврукова, Жамила Раҳимова, Азиза Назарова тиккан либослар талабга тўла жавоб беради.

Тадбиркор Муршида Асадуллаева келгусида хорижлик шериклар билан ҳамкорлик қилиб, ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, устозлар кўмагида ёш чеварларни тайёрлаш, рақобатбардош товарларни қўшни давлатларга ҳам чиқариш ниятида. Ҳозирда турли хил маҳсулотларга республикамиз вилоятларидан ҳам буюртмалар тушмоқда. Айни дамда янги маҳсулот болалар учун спорт шимлари тикишга киришилмоқда.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: Муршида Асадуллаева (ўртада) тикувчи қизлар билан маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда; ёш тикувчи Жамила Раҳимова ўзи тиккан либослар харидорга ёқаётганидан мамнун.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

# НОАНЪАНАВИЙ УСУЛ САМАРАСИ

**Ишлаб чиқаришни фан-техника тараққиёти таъсирида янгилаш халқ хўжалигининг иқтисодий шароитларини ўзгартириш, асосий фондлар моддий-техника базасини такомиллаштиришнинг ноанъанавий усулларини излаш ва қўллаш заруриятини туғдирди. Бундай ноанъанавий усуллардан бири лизингдир.**

Лизинг тадбиркорлик фаолиятининг ўзига хос соҳаси бўлиб, чет элда кенг тарқалган ва ҳозирги кунда юртимизда ҳам ривожланмоқда.

Мамлакатимизда йилдан йилга ушбу фаолият турини такомиллаштириш борасида кўп ишлар қилинмоқда, лекин ҳанузгача унинг ривожига халал бераётган бир қанча омиллар мавжуд.

Асосий муаммо-лизинг капиталининг сўмнинг юқори девальвация шароитида сақланиб қолишидир. Бундай шароитда лизинг берувчи ўзининг инфляция билан боғлиқ бўлиши мумкин муаммоларини бартараф этиш мақсадида лизинг шартномасини чет эл валютаси асосида тузиши ёки бошқа арзон ресурслардан фойдаланиши лозим. Акс ҳолда лизинг берувчининг ресурслари қадрсизланади.

Қонунлар ўзгаришида ўз аксини топмаган муаммолардан бири, солиқ солиш мақсади тезлашган амортизациянинг қўлланишидир. Лизинг 50-йилларда айнан шу туфайли Европа ва АҚШда кенг тарқалган.

Ҳозирда Россияда ҳам лизинг хизматлар бозорининг анча кенгайишига айнан шу омил сабаб бўлмоқда. Тезлашган амортизация орқали солиқ имтиёзларини нафақат лизинг, балки сармоянинг барча турларига бериш ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳасининг шаклланишига жуда катта туртки бўлади. Корхоналарга асосий воситаларга сарфланган сармояларни тезроқ ва самаралироқ оқлаш имкониятини бериш инвесторларни иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш соҳасига янада кўпроқ инвестиция қилишга ундайди. Юқорида кўрсатилган муаммоларнинг бартараф этилиши ва бу соҳадаги кадрлар билимини ва малакасини ошириш, чет эл тажрибасини ўрганиш юртимизда лизингнинг тараққий этишига ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга олиб келади.

**Азиза ОБИДОВА**

**Айни кунларда мактаблар болажонлар шовқинидан бир оз тинчиган. Барча ўқувчилар ёзги таътилда. Аммо таътил вақтидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилган педагоглар жамоаси эса янги ўқув йилига тайёргарлик ишларини бошлаб юборишган. Миробод туманидаги «Олмазор» маҳалласи ҳудудида жойлашган 31-мактабда ҳам айни пайтда ишлар қизғин.**

*Бунёдкорлик*

# ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ШАЙ ҚИЛИНМОҚДА

— 1971 йилда қад ростлаган мактаб биноси ташқи томондан унчалик таъмирталаб кўринмасада, аммо бинонинг ички хоналари бирмунча таъмирга муҳтож аҳволдалиги сезилиб турарди. Айниқса фанга ихтисослашган хоналарнинг яроқсиз тарздалиги ўқитувчиларнинг ташвишлантирарди, — дейди мактаб директори Нурия Семмари. — Жорий йилда мактабимиз банкда ўз ҳисоб рақамини очишга муваффақ бўлди. Бунда бизга туман ҳокимлиги яқиндан ёрдам берди. Кейин мактабнинг ота-оналар фонди ҳам ташкил қилинди. Мана ҳозирда йиғилган маблағлар ҳисобига мактабимиз таъмирланмоқда.

Мактабга кираверишдаги 120 ўринга мўлжалланган ошхона, иккинчи қаватда жойлашган тадбирлар ўтказиш зали, спорт зал ҳамда ихтисослашган ўқув хоналари «Билдинг технолоджиз» қўшма корхонаси ишчи-хизматчиларининг саъй-ҳаракатлари эвазига замонавий тарзда таъмирдан чиқарилди. Айниқса, ошхонанинг тепа қисмига ўрнатилган ажойиб люминисцент ёритгичлар ҳамда хона деворларининг ўзига хос кўринишдалиги эндиликда бу ерда овқатланувчи ҳар бир ўқувчининг кайфиятини кўтариши табиий. Бинонинг иккинчи қаватидаги тадбирлар зали ҳамда спорт заллари ҳам ўзига хос услубда қайта таъмирланмоқда. Таъмирдан сўнг илгариги кўринишдан мутлақо фарқ қилган тадбирлар зали эндиликда кенг, ёруғ ва барча шарт-шароитларга эга бўлиб, келгусида ўқувчилар бу ерда ўзлари истаганча янги-янги шоулар, кўрик-танловлар ўтказишлари мумкин.

Мактабнинг спорт зали таъмирталаб бўлганидан бу ерда ўқувчиларнинг машқ қилишлари учун шароит етишмасди. Ўқув машқларига керакли жиҳозлар, спорт анжомлари дарслар жараёнида муаммога айланиб қолганди. Бу муаммони бартараф қилиш мақсадида мактабнинг спорт зали ҳам таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, ёз кунлари машқлардан сўнг ўқувчиларга қулайлик яратиш мақсадида ювиниш учун хоналар ҳам қурилди.

Асосан май ойининг бошларида бошланган ишлар «Билдинг технолоджиз» қўшма корхонаси ходимларининг яқин ёрдамлари эвазига тез ва соз тугалланмоқда. Таъмирлашга зарур қурилиш ашёлари ушбу корхонанинг ўзида ишлаб чиқарилганлиги боис мактабга арзон нархларда сотилди. Бундан эса айниқса мактаб жамоаси жуда ҳам мамнун. Мактаб биноси тез кунларда янги ўқув йилига шай бўлади.

**Орзугул РУСТАМОВА**

**Машҳур поляк композитори Станислав Манюшко асарлари эндиликда Ўзбекистонда ҳам ижро этилмоқда. Ўзбекистон Давлат академик Катта опера ва балет театри томонидан уюштирилаётган қатор дастурлардан бу ёркин истеъдод эгаси ижод намуналари ҳам ўрин олмоқда.**

# ХАЛҚАРО ТАНЛОВДА ЯНГРАДИ

Бу улкан санъаткорнинг «Пряха» операсидаги машҳур ариялар театрнинг истеъдодли солисти Лола Неъматова ижросида жозибадор янграмоқда.

Бу умидли қўшиқчи ана шу концерт дастури билан Варшавада ўтказилган халқаро танловда қатнашди. Поляк композитори Манюшко номидаги вокалистлар ижодий кўригида ўзбек санъаткори бу ария ижроси учун халқаро танловнинг махсус дипломи билан тақдирланди.

**Анвар ЙЎЛЧИЕВ.**

*Маънавият*

## КИТОБХОНЛАР ХИЗМАТИДА 70 ЙИЛ

**Республика илмий-педагогика кутубхонаси 70 ёшга тўлди. 1934 йилда ташкил топган бу йирик зиё даргоҳи бугунги кунда Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги тизимидаги кутубхоналар учун илмий-методик, ахборот-библиографик ва мувофиқлаштирувчи маърифат марказига айланган.**

Бу ердаги педагогика ва халқ таълимига оид адабиётларнинг бой захираси ҳам жамланган. Улардан республикамиздаги кўпгина кутубхоналар баҳраманд бўлмоқда.

Ҳозир унинг умумий китоб жамғармасида 316 минг нусхадаги турли нашрлар бор. Улар орасида XIX асрда чоп этилган нодир асарлар ҳам талайгина. Ўзбек, рус ва чет тилларда чиққан қомусий, маълумотнома адабиётлардан ҳам китобхонлар фойдаланмоқда.

«Ўзбекистон таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида кутубхона" деган мавзуда ўтказилган халқаро конференция ҳам шу зиё маркази ташаббуси билан уюштирилди. Педагогика кутубхоналари тузилмасини жаҳон ахборот ҳамжамиятига интеграциялаш йўлида ҳам хайрли ишлар амалга оширилди.

Республика илмий-амалий конференцияси кутубхонанинг ана шу санасига бағишлаб ўтказилади.

**Акбар АЛИЕВ**

*Санъат*

## ЁШ МУСИҚАЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

**Кейинги йилларда мамлакатимизнинг ёш истеъдодлари халқаро ижодий кўрикларда қатнашиб, совринли ўринлар билан тақдирландилар. Успенский номидаги болалар мусиқа мактабида таҳсил кўраётган ёшлар ҳам ўз ижрочилик маҳоратларини намоён этиб, кўпчиликка яхши танилиб боришмоқда. Грецияда ўтказилган пианиночиларнинг халқаро танловида Нодира Дадамуҳамедовага ҳам омад кулиб боқди. Бу жиддий ижод синовида у фахрли иккинчи ўрин соҳиби бўлди.**

— Бу кўрикда етти нафар ўқувчимиз қатнашди, — дейди педагог Алла Ким. — Улар ҳам моҳир чолғучи сифатида мукофотлар билан тақдирландилар.

Бу иқтидорли ёш мусиқачилар яқинда «Соғлом авлод учун» жамғармасида яна бир бор муборакбод этилди. Жамғарма саъй-ҳаракати билан уюштирилган ёш истеъдодлар билан учрашув кечасида Украинада ўтказилган болалар-ўсмирларнинг биринчи халқаро танлов-фестивали совриндори бўлган Тошкентдаги 110-мактаб ўқувчиси Шаҳноза Усмонхўжаева ва бошқа"ёш санъаткорлар номига ҳам илиқ гаплар айтилди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

*Ўзбекистон ҳаво йўллари*

**«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг ўқув машқ марказида ўз касбининг усталари кўплаб топилади. Ана шундайлардан бири Рустам ака Эргашев ёшлигидан учувчилик касбига меҳр қўйган. Рустам ака 1961 йили билим юртига ўқишга кириб, 3 йил давомида таҳсил олган. У «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг ўқув машқ марказида деярли қирқ йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Оилада 11та фарзанднинг учинчиси бўлган Рустам ака бугунги кунда табаррук 60 ёшни қарши олмоқдалар.**

## КАСБИМДАН ФАХРЛАНАМАН

**— Рустам ака, фаолиятингиз давомида ўқув машқ марказида қандай ишлар амалга оширилди?**

— Ўқув машқ маркази-миз 1943 йилнинг май ойида ташкил топган. Ўша вақтларда ҳам Марказий Осиё бўйича бутун талабаларни тайёрловчи асосий ўқув маркази эди. Бу ерда 1964 йилдан 68 йилгача авиатехника ходими бўлиб фаолият кўрсатган бўлсам, 1968 йилда бортмеханикликка ўқидим, ТУ-154 ҳаво кемасида кўп марта парвоз қилганман. Ўқув марказимизда ҳозирда барча мутахассисликлар ва йўналишлар бўйича ТУ-154, ИА-76, ИЛ-86, ЯК-40, АН-24 ҳамма ҳаво кемаларимизда амалий машғулотлар ўтказиб, парвозларни амалга оширамиз.

**— Асосан қайси мамлакатларга қатновларни амалга оширгансиз?**

— Мен асосан Европа бўйлаб жуда кўп парвоз қилганман. Ҳиндистон, Покистон, Таиландда бўлиб 3 ой давомида Суданда ҳам ишлаб келганман. 1985 йили Афғонистонга учганимизда эса, бизга энг яхши учувчи мукофотини беришган.

**— Ўқув-машқ марказида ходимлар учун малака ошириш ишлари ҳам ташкил этиладими? Шогирдларингиз ҳам кўп бўлса керак?**

— Албатта, ўқув машқ марказида таълим олувчиларнинг ҳаммаси шогирдларим. Нима ҳам дердим, қўлимдан келганича ҳаммани бирдек кўришга, билмаганларини ўргатишга ҳаракат қиламан. Марказимизда ҳар 3 йилда бир марта малака ошириб турилади. Талабаларга назарий дарслар ўтиб бўлингандан сўнг, бизга келиб амалиёт ўташади, учишни ўрганишади ва уларга сертификат берилади. Кейинчалик уларга аэродромда 1-1, 5 соат вақт давомида парвозларни амалга оширишга рухсат берилади. Иқтидорли ва қобилиятли талабаларимиз эса битиргандан сўнг фаолиятини давом эттириш учун шу ерда қолишади. Албатта, шогирдларим ишимиз давомчилари бўлганидан, йўловчиларга хизмат кўрсатиб узоғини яқин қилаётганидан, асосийси ўз касбимдан фахрланаман.

**Рисолат РАҲМОНОВА суҳбатлашди.**

*Анжуманлар*

## МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШГА БАҒИШЛАНДИ

**Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида «Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муаммолари» мавзуида Республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.**

Анжуманнинг ялпи мажлис ва «Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш (СМС) соҳасида мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини оширишдаги муҳим масалалар ва уларни ҳал этиш йўллари», «СМС соҳасида илмий изланишларнинг устувор йўналишлари», «Илмий ва ўқув муассасаларига сифатни таъминлаш тизимларини жорий қилиш» каби шўъбаларида Республика олий таълим муассасалари, илмий-текшириш институтлари олимлари, илмий марказлар ва ишлаб чиқариш бирлашмаларининг юздан ортиқ вакилларининг 60 га яқин илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган маърузалари тингланди ва тақдим этилди.

Анжуманнинг очилиши ва ялпи мажлисида сўзга чиққанлар ўз нутқларида стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муаммолари, шу соҳадаги илмий ишларни ривожлантириш, олий ўқув юртлари ҳамкорлигини такомиллаштириш ва мутахассисларни тайёрлашда ишлаб чиқариш билан узвийлигини таъминлашнинг аҳамиятлари ҳақида фикр юритдилар. Тақдим этилган маърузаларнинг қисқача баёнларининг тўплам сифатида чоп этилиши ва анжуманни ташкил қилишда «Ўзстандарт» агентлиги, Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий текшириш институти хизмати катта бўлганлиги анжуманда таъкидланди. Фикрларга бой бўлган ушбу тўпламдан жой олган маъруза ва бошқа илмий чиқишларнинг баённомаларида илмий-техник тараққиёт, давр талабидан келиб чиққан долзарб мавзулар кўтарилганлигини кўриш мумкин.

Анжуманда маърузалар ва бошқа илмий чиқишлар, баҳсмунозараларда кўтарилган муаммолар, таклифлардан келиб чиқиб, қабул қилинган қарорда юқори баҳоланган маърузалар Тошкент Давлат техника университети «Ахборотнома»сида «Ўзстандарт» агентлигининг «Стандарт» ва Республикамизнинг бошқа марказий илмий-техник журналларида чоп этишга тавсия қилинди. Икки йилдан кейин ўтказишга қарор қилинган илмий-амалий анжуманга стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш ва сифат бошқаруви соҳасидаги долзарб муаммоларни ўз ичига олган илмий ишларни кенгроқ жалб қилиш, илмий-тадқиқот ишлар натижаларини қўллаб-қувватлаш ва ҳаётга жорий қилиш, ҳамкорликда ва тармоқлар бўйича мутахассисларни тайёрлашда ўқув дастурини ишлаб чиқиш ва татбиқ этишга эътибор қаратилди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

*Қадрли учрашувлар*

## ДИЙДОРЛАШУВ ОНЛАРИ ҚАНЧАЛАР ЗАВҚЛИ

**Ҳаётда инсонлар ҳамиша бир-бирларини йўқлаб, юз кўришиб, соғиниб яшайдилар. Айниқса ёшликда бирга кечган дамлар, яхши-ёмон кунларда ҳамдарду ҳамроҳ бўлган дўстлар учрашиб қолсалар бутун олам қувончи йиғилгандек бўлади гўё.**

Куни кеча мана шундай ажойиб учрашувлардан бири 1-Тошкент педагогика коллежида бўлиб ўтди. Ушбу коллежни бундан роппа-роса 50 йил муқаддам битирган собиқ ўқувчилар устозлари ва бугунги кун талабалари билан учрашиш, ёшликда кечган шўх-шодон кунлар, илм олиш йўлида чеккан заҳматлари ҳақида ўртоқлашиш учун кўришдилар.

— Ўқув масканимиз 1922 йилда ташкил топган бўлиб, 1-Тошкент тиббиёт билим юрти сифатида фаолият кўрсатган, — дейди биз билан суҳбатда коллеж директори ўринбосари Барно Каримова. — Мустақиллик шарофати туфайли таълим-тарбия жараёнида ҳам катта ўзгаришлар, янгиланишлар бўлди. Шуларнинг самараси сифатида бизнинг билим юртимизга ҳам Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилдаги қарорига асосан 1-Тошкент педагогика коллежи мақоми берилди. Ёшларнинг илмли, кенг тафаккурли, таълим-тарбияли, ўз касбининг фидойиси бўлиб етишишлари йўлида коллежимизда барча зарур шарт-шароитлар яратилган.

Собиқ курсдошлар дийдорлашувини кузатар экансиз беихтиёр уларга ҳавас билан боқасиз. Раъно Икромова, Васила Аҳмаджонова, Муҳаббат Акбарова, Мукамбар Усмонова, Муяссар Расулова, Ойтўра Маҳамадраҳимова, Севара Ниёзова, эҳ-ҳе уларнинг яна қанчасини келтириш мумкин. Барчалари устоз деган фахрли ва заҳматли касбнинг этагидан тутган, «Халқ маорифи аълочиси», «Фидойи ўқитувчи» каби шарафли номга сазовор бўлган, 40-45 йилдан бери ёш авлодга таълим-тарбия бериб келаётган азизу мукаррама инсонлардир.



— Ҳаяжонимни сўз билан ифодалаб бера олмайман, — дейди кўзларидаги севинч ёшларини артиб Муяссар ая Расулова. — Ёшликдаги таассуротлар, дўсту дугоналар жуда бошқача бўлар экан. Назаримда ўша вақтга қайтиб қолгандек бўлдим, дийдор кўришмоқ қанчалик яхши экан.

— Мен 40 йилдан бери Акмал Икромов туманидаги 311-ўрта мактабда дарс бериб келаман. Ҳамиша бирга ўқиган дугоналаримни эслаб қўярдим. Биз жуда аҳил дўстлар бўлганмиз. Учрашувни эшитиб хурсанд бўлиб кетдим, катта раҳмат шу даврани ташкил қилган инсонларга.

Ҳаяжонли, таассуротларга бой учрашувда талабалар ҳам иштирок этиб, 50 йил аввалги таълим жараёни ва бошқа ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилиб даврага яна ҳам файз қўшишди. Кексалик гаштини сураётган пиру бадавлат онахонларнинг бой ҳаётий тажрибалари, дил сўзларини мароқ билан тинглашди. Эътиборга молик томони шундаки, собиқ талабалар тақдир тақозоси билан ёлғиз, дардга чалиниб ётуглик бўлиб қолган дугоналарининг манзилларини аниқлаб, уларнинг хонадонларига йўқлаб боришди.

Куй-қўшиққа, шодлик қувончга тўлиқ бўлган бу кун йиғилганлар қалбида узоқ вақт сақланиб қолиши шубҳасиз.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТДА: 50 йил аввал билим юртини тамомлаган собиқ талабалар учрашувидан лавҳа.**

№ 117 (21.06.2004)


**Кўҳна тарих зарварақларини очар эканмиз ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларида эркаклар билан бир қаторда буюк жасорат соҳиблари орасида аёлларнинг номлари ҳам борлигига гувоҳ бўламиз. Аёллар орасида етишиб чиққан шавкатли ҳукмдорлар, оқила давлат маслаҳатчилари, шоирлар ва санъатшунослар ҳамда ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида ном қолдирганлар кўплаб учрайди. Чунончи, массагетлар ҳукмдори Тўмарис, Миср маликаси Клеопатра, қадимий Полмиранинг машҳур ҳукмдори Зиновия, испан қироличаси Изабелла, машҳур француз қаҳрамони Жанна Д'Арк, грузин маликаси Тамара, Россия императори Екатерина II ва бошқалар шулар жумласидандир. Ҳатто, тарихнинг отаси Геродот маълумотларига кўра, Европа ва Осиё қитъаларига ҳам Шарқнинг афсонавий аёллари номи берилган.**

*Мозий*

# ШАРҚНИНГ АФСОНАВИЙ АЁЛЛАРИ

Бугун Европа ҳокимият тепасида турган 10 та қиролнинг 3 таси ҳам аёллардан эканлиги, Шарқ мусулмон мамлакатлари орасида ўз нуфузига эга бўлган Туркия, Покистон, Индонезия ва бошқа мамлакатларда ҳукуматни маълум вақт аёллар бошқарганлиги бугунги кунда ҳам аёлларнинг дунё ижтимоий-сиёсий ҳаётида мавқеи юксаклигидан далолат беради.

Шарқ мамлакатларида аёллар қадим тарихдан бошлаб, сиёсий, ижтимоий, маданий ҳаётда катта роль ўйнаганлар. Геродот ўзининг «Тарих» китобида, сак-массагет афсоналарига асосланиб, Каспий денгизининг Шарқий қирғоқларида, Амударёнинг қуйи оқимида яшаган массагетлар қабиласи ўз маликаси Тўмарис бошчилигида дунёда биринчи салтанат — Аҳмонийлар империясига асос солган Кир II қўшинларини тор-мор этганлиги ҳақида ёзиб қолдирган. Бу маълумотлар қадим Шарқда аёллар ҳарбий санъат соҳасида ҳам мукаммаллик даражасига етганлигидан далолат беради. Қадимий юнон манбаларида акс этган амазонкалар ҳақидаги маълумотлар бугунги кунда ўзининг тасдиғини топаётганлиги, амазонкалар юрти сифатида Каспий денгизининг шарқий қирғоқларидаги ҳудуд кўрсатилаётганлиги ҳам қадим шарқда аёлларнинг тутган юксак мавқеидан далолат беради.

Бу ҳолатни биз араб босқини даврида Мовароуннаҳрнинг муҳим вилоятларидан бири бўлган Бухорони бошқариб турган Туркон Хотун мисолида ҳам кўрамиз. Ўзининг икки ёшли ўғли Тўхшодани тахтга ўтказган бу аёл амалда Сўғдиёнанинг катта қисмини бошқарган, халқаро аҳамиятга эга бўлган Самарқанд-Бухоро-Аму савдо йўлини назорат қилиб турган. Тарихий манбаларнинг далолат беришича, бу аёл бошчилигидаги Бухоро қўшинлари шафқатсизлиги билан ном чиқарган араб лашкарбошилари Убайдуллоҳ ибн Зиёд, Саид ибн Усмон, Қутайба ибн Муслим қўшинларига қарши муваффақият билан жанглар олиб борганлар. Хусусан, ўша даврда Бухоро вилоятининг муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган ва иккинчи пойтахт ҳисобланган Пойкенд шаҳри мудофааси тарихимизда халқимизнинг ҳарбий санъатининг энг ёрқин намуналари сифатида қолди.

Исломгача бўлган даврда аёллар кўп ҳолатларда, хусусан, иқтисодий соҳада деярли ҳуқуқсиз бўлиб, уларга кимнингдир мулки сифатида қаралган эди. Хусусан, ислом уйғониш даврида (IX-XII, XIV-XV асрларда) аёллар адабиёт, аниқ фанлар, фиқҳ (ислом ҳуқуқшунослиги) ва бошқа соҳалар билан биргаликда давлат бошқарувидек муҳим масалаларда ҳам етакчи ўрин тутганлар. Хусусан, Халифа Муқтадир даврида (908-932 йиллар) халифаликнинг бутун бошқаруви амалда унинг онаси томонидан назорат қилинар эди. Манбаларнинг далолат беришича, унинг онаси турк қавмига мансуб Шагаб исмли аёл бўлган. Бу аёл ўзининг Сумайл исмли канизагини халифаликда сарой вазири даражасига кўтариб, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига боғлиқ барча баҳсли масалаларни у орқали бошқариб борган. Бағдоднинг Русаффа маҳалласида жойлашган махсус бинода ҳафтанинг ҳар жума кунида халифаликнинг кўзга кўринган фиқҳшунослари, қозилар, сарой амалдорлари иштирокида бу аёл халқни қабул қилиб, барча баҳсли масалаларни ҳал этиб турган.

Ислом даврида ҳам Мовароуннаҳрда мавжуд бўлган қудратли мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида аёллар катта роль ўйнаганлиги маълум. Хусусан, ўз даврида мусулмон шарқининг энг йирик салтанати бўлган Хоразмшоҳлар давлати ҳукмдори Алоуддин Муҳаммад (1200-1219) даврида унинг онаси Туркон Хотун давлат бошқарувида муҳим ўрин тутган. Тарихчи ан-Насавийнинг маълумотларига кўра, Алоуддин Муҳаммад даврида девонни (яъни, ҳукуматни) унинг онаси Туркон Хотун бошқарган. У ўзи мансуб бўлган қипчоқ ҳарбий қўшини ва лашкарбошиларга таянган ҳолда мамлакатдаги барча ҳарбий ва фуқаролик ишлари устидан назорат ўрнатган. Шу туфайли ҳам уни ислом мамлакатларида «дунё ҳукмдори» деб аташган эди.

Амир Темур ва темурийлар даврида ҳам аёлларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги мавқеи юксак даражада эди. Бу даврда яшаб ўтган машҳур аёллардан Амир Темурнинг севимли рафиқаси Сарой Мулк хоним (Бибихоним), Шоҳрух Мирзонинг рафиқаси, Мирзо Улуғбекнинг онаси Гавҳар Шод Бегим, Халил Султоннинг суюкли хотини Шод Сулк Хотун, Султон Ҳусайн Бойқаронинг хотини Хадича бегим, Умар Шайх Мирзонинг тўнғич қизи, Бобур Мирзонинг опаси Хонзода бегим, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қизи Гулбаданбегим, бобурий ҳукмдор Шоҳ Жаҳоннинг севикли хотини Мумтоз Маҳал (Аржуманд бону), Аврангзеб Оламгирнинг қизи Зебуннисо бегим ва бошқалар ўз фаолиятлари билан нафақат ватанимиз, шу билан бирга жаҳон тарихида ҳам муносиб ном қолдирдилар.

Чингизхон авлодидан бўлган Қозонхоннинг қизи Сарой Мулк хоним Амир Темур никоҳига ўтгач, мамлакатнинг нуфузли аёлларидан бирига айланади. Албатта саройда «Бибихоним» деган юксак унвонга лойиқ бўлиш учун юксак ақл-заковат, дид-фаросат, фикрлаш доирасининг кенглиги бош омил бўлган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Сарой Мулк хоним замонасининг юксак идрокли, фаросатли, ақл-заковатли аёли бўлиши билан бирга ҳусн-латофат бобида ҳам беназир бўлган. Сарой Мулк хоним инсонпарвар, ватанни севувчи, мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётидан яхши хабардор бўлган, салтанат ишларида доно маслаҳатлари билан қатнашиб турган аёл эди. Айниқса, у илм-маърифатга алоҳида эътибор берар, толиби илмларга, уламоларга ҳомийлик қилар эди. Самарқандда Бибихоним томонидан қурилган масжид ва мадрасалар бугунги кунда ҳам ўзининг салобати ва улуғворлиги билан ажралиб туради.

Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳарбий юришларида кўпинча Сарой Мулк хоним ҳам қатнашган ва айрим ҳарбий муаммоларни ҳал қилишда иштирок этган. Амир Темур Сарой Мулк хонимга ошкора бўйсунмасада, унинг маслаҳатларига қандайдир эҳтиёж сезилиб турган. Нақл қилишларича, Исфахон қамали чўзилиб, қўшинни озуқа билан таъминлаш қийинлашиб қолганда, Амир Темур Самарқандга чопар жўнатиб: «қўшиннинг захираси тугади, хазинадан зар юборинг», деган мазмунда Бибихонимга хат йўллайди. Бунга жавобан зукко Бибихоним: «Улуғ Амир, зарингиз тугаган бўлса, сиёсатингиз ҳам тугадиму?», деб жавоб берган экан.

Исфахон қироли Генрих IIIнинг элчиси сифатида Самарқандда бўлган Клавихо ҳам темурийлар салтанатида аёлларнинг, хусусан, темурий маликаларнинг юксак мавқеидан ҳайратланиб, хотиралар битган эди.

Юқорида айтилганларга хулоса сифатида шуни қайд этиш лозимки, Шарқ аёллари кўп ҳолларда мамлакатида биринчи раҳбар шахс бўлмасаларда, амалда ҳукмдорнинг соясида туриб, мамлакат ва салтанат ишларига аралашганлар. Қуръони каримда ва шариатда ҳам аёлларнинг давлат ишларида иштирокини тақиқловчи тўсиқлар йўқ. Бу ҳам мусулмон шарқида аёлларнинг юксак мавқеини кафолатловчи муҳим хусусият бўлганлиги шубҳасиздир.

**Гулруҳ АЪЗАМОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.**

*Мусоҳаба*

# ОИЛА — МУҚАДДАС ҚЎРҒОН

**Оила — жамиятнинг энг муҳим ва мустаҳкам бўғинидир. Ҳар қандай оиланинг тинчлиги, мустақиллиги, пировард натижада ўша оиладаги аёлга ҳам боғлиқ. Бугунги кунда оила муаммолари, аёллар ва ўсмир қизларнинг жамиятда тутган ўрни ҳамда уларнинг маънавияти хусусида фалсафа фанлари номзоди, доцент Жамила ШЕРМУҲАММЕДОВАга бир неча савол билан мурожаат этдик.**

**— Жамила опа, маълумки сизни нафақат руҳшунос олима, етук мутахассис, балки, тадбиркор аёл сифатида ҳам яхши биламиз. Руҳшунос олима сифатида айтингчи, бугунги кунда оиланинг тинчлигини таъминлаш, уни мустаҳкамлашда аёлларнинг вазифалари нималардан иборат?**

— Аёлнинг биринчи вазифаси оиласи учун ҳар қандай вазиятдан, ҳар қандай шароитдан чиқиб кетиш. Зеро, аёл давлатнинг, оиланинг бир қисми ҳисобланади. Яъни тадбиркор бўладими, ўқитувчи бўладими, ё шифокор, раҳбарлик лавозимида ишлайдими, жамият ривожига ўз ҳиссасини қўшиши керак. Бу борада менинг фикрим, шиорим битта. У ҳам бўлса илмли, билимли, маърифатли бўлиш. Илмли, маърифатли аёл учун мураккабликдан, қийинчиликдан чиқиб кетиш, бу муаммо эмас. Чунки ҳар қандай шароитда илм қурол. Оилани бир бешик десак, уни пок, ҳалол ушловчи, нормал экологик муҳитни ифода қилувчи ва такомиллаштирувчи — бу аёл. Шунинг учун аёл сониялик билимлар эмас, балки бир неча йил давомида олган билимларини ўзининг ҳаётида тажрибадан ўтказиши керак. Ўзбек аёли учун бу биринчи мактаб эмас. Фарзанд тарбияси қийин, лекин инсон сифатида камолга етказиш унданда қийин. Шунинг учун аёлнинг зиммасида фақат оиладаги қозон-товоқ, йиғиштириш, пишириш, едириш эмас, биринчи навбатда аёл оила академиги бўлиши керак. Шунинг учун мен аёлларга оила академиги бўлишни тавсия қиламан. Мен ҳар бир аёлни энциклопедия деб таъриф бераман. Бундан ташқари ҳар бир оиланинг ўз оила кодекси бўлиши керак. Чунки бир оила кодекси иккинчисиникидан фарқ қилади. Масалан, менинг оиламда оила кодексининг асосий маъноси бир-биримизга ишонч, ўзаро ёрдам, бир-биримизни ҳурмат қилиш, кечиримли бўлиш, адолатли бўлиш. Мана шундай ўзимнинг ишлаб чиққан оила тамойилларим бор.

Аёлнинг кафтида ҳам меҳр туради, ҳам садоқат туради, тинчлик ҳам, нотинчлик ҳам туради. Ҳамма нарса аёлга боғлиқ.

**— Оилада фарзандлар тарбияси хусусида фикрларингиз. Бугунги ёш авлод вакилларининг тарбиясида нималарга алоҳида аҳамият бериш керак?**

— Биласизми, бугунги кунда олимлар ўртасида балоғат ёшидаги фарзандларга қандай психологик муомала воситасини ишлатиш кераклиги ҳақида тортишув кетяпти. Менимча, биринчи навбатда болаларимизни шахс сифатида тўғри кўра билишимиз керак. Яъни унинг дилини, хоҳиши, талабини кўриш керак. Лекин бу дегани ҳамма талаб ва таклифини қондириш эмас. Биз ўзбекларда бир хусусият бор. «Боламга бўлсин, болам есин, у ичсин». Лекин шу нарсаларни бола қаердан келаётганлигини билиши керак. Демак ота-она икки соат эмас, ўн икки соат ишлаётганлигини, ҳамма нарса осонлик билан топилмаётганини фарзандига тушунтириши керак. Кўпинча болаларининг издан чиқиб кетишига ота-онанинг ўзи сабабчи бўлади. Уларнинг хоҳишларини бажаришга керак, нокерак талабларини қондиришга ҳаракат қилишади. Лекин боланинг ҳам вазифаси бор. Демак шу вазифаларни тўғри тушунтириш керак. Масалан, 5-7 синфда ўқидиган боланинг вазифаси фақат ўқиш, тўғри йўлдан юриш, 8, 9, 10-синф ўқувчиси эса маслак танлаш, яъни қайси касбни танлаши ҳақида ўйлаши керак. Шунинг учун болани ҳаддан ташқари кийинишга, керагидан ортиқ яхши едиришга ўргатмаслик керак. Шунингдек, борига шукр қилишга, сабр қилишга, борликка ҳам, йўқликка ҳам ўргатиш зарур. Айтайлик боланинг оёқ кийими йиртилибди. Уни кўриб, «адажон, менга янгисини олиб беринг», деб эмас, «уни тиктириб беринг» деса бола ҳам, ота-она ҳам хурсанд бўлади. Баъзи ота-оналар фарзандларига қимматбаҳо кийим кийишга ўргатиб қўймоқдалар.

Боланинг аввало ўн етти ёшгача катта вазифаси бор. Бу вазифа — ўқиш, ўқиш, бу — меҳнат. Агар бола шу меҳнатни яхши бажариб, маърифатга эришса, демак у барча қийинчиликларни енгиб чиқа олади. Демак, ота-она билан бола ўртасида келишиш бўлиши керак. Ота-оналар билан фарзандлар ўртасида келишмовчилик натижасида болалар уйдан чиқиб кетяпти. «Айтганимни қиламан, менга фалон нарсани олиб берасиз» деган қатъий талаб қўйишмоқда. Мана шу вазиятдан чиқиб кетишнинг йўли битта. У ҳам бўлса болани тўғри йўлдан тўғри гапириб, бор нарсани очиқ сўзлашга ўргатиш керак. Оддий мисол, ота-она маош олиб келади. Болалар ҳар ойда оила бюджетига қанча пул тушди билиши шарт. Биринчидан, бола бюджет тушунчасини тушуниб боради, пул маданиятини тушунади. Шунинг учун боладан бирон нарсани яшириш керак эмас. Ўша пуллар қаёққа, нимага сарф бўлаётганини айтиш керак. Яширдингми, бола ҳар хил йўлларга киришга ҳаракат қилади. Уларнинг талаб ва таклифини тўғри амалга ошириш керак, деб ўйлайман.

**— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.**

**Дилором ИКРОМОВА суҳбатлашди.**




*Қизлар дафтаридан*

## ЎЗИНГДАН БЎЛАК

Онажоним, қадринг бунча билинди,
Бу кеча бағримга оғриқ илинди,
Қайғулар бошимга зилдай тўкилди,
Меҳрибон топмадим —
ўзингдан бўлак.

Кўкдаги Зуҳролар йўққа ўхшайди,
Оймома кўзимга чўплар ташлайди.
Юрагимни тиғлар тилмоқ истайди,
Қадрдон топмадим —
ўзингдан бўлак.

Хазонрез барглар ғийбат талашар,
Дарахтлар кўзимга мунгли қарашар.
Шамоллар ғанимга ўқлар улашар,
Жонажон топмадим —
ўзингдан бўлак.

Умрим гулзорида гулларим сўлди,
Орзу осмонига қуюнлар қўнди.
Бечора дилгинам соғинчни туйди,
Ғамгузор топмадим —
ўзингдан бўлак.

## ҚАНИЙДИ

Қанийди, мен сени
суймаган бўлсам,
Айрилиқ азобин тортмаган бўлсам.
Қанийди, қанийди телбавор руҳим,
Висол лаззатини туймаган бўлсам.

Кузги япроқлардан сени қизғондим,
Хазонрез боғларда инграр айрилиқ,
Бу куни, бу куни ўзимдан тондим,
Борар сўқмоқларим — бари
бекуғлиқ.

Хумор кўзларингга саждалар
қилдим,
Самовий қудратлар аслзодаси.
Бу ўксик кўнгилни сенга
топширдим,
Сенинг қўлларингда севгим
шодаси.

**Роҳатой МАТИЕВА**

**Оила муқаддас даргоҳ. Оилалар тинчлиги ва хотиржамлиги жамиятнинг асосий негизидир. Зеро, Ватан оиладан бошланади ФХДЁ бўлимлари эса янги оилалар қуришга йўлланма берувчи хайрли маскандир.**

*Тақдимот*

## ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ТАЪМИРЛАНДИ

Яқинда Ҳамза туманида ФХДЁ бўлими янги биносининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Оила жамиятнинг таянчи ҳисобланади, — деди жумладан тадбирда сўзга чиққан Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бошлиғи Козим Комилов. — Бугунги кунда давлатимиз оилалар мустаҳкамлиги йўлида кўпгина чора-тадбирларни ишлаб чиқмоқда. Ўтган йилдан бошлаб ёш келин-куёвларнинг тиббий кўрикдан ўтказила бошланиши ҳам фикримизга мисол бўла олади.

Тадбирда, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова сўзга чиқиб, оилаларнинг тинчтотувлиги, фарзандларнинг дуркун ва баркамол униб-ўсиши бўлажак ёш келин-куёвларнинг ҳар томонлама етук ва соғлом бўлиши учун юртимизда барча шарт-шароитлар, қулайликлар яратилаётганини, мақсад эса, Ўзбекистон дея атаямиш жаннатмакон мамлакат фарзандлари келажакнинг мустаҳкам қўрғони, халқнинг ишончини, ор-номусини асраб-авайлаши, асосийси эса озод, эркин, соғ ва бахтиёр яшашларидир, дея таъкидлаб ўтди.

Бугунги кунда шаҳримиз туманларидаги ФХДЁ бўлимлари қайта таъмирланиб аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда. Мазкур бино ҳам шулар жумласидан бўлиб, замонавий талабларга асосан шаҳар Адлия бошқармаси томонидан ажратилган маблағлар ёрдамида қайта таъмирланди.

Янги бинонинг очилиш маросимида шаҳар, туман ҳокимликлари, туман ички ишлар ходимлари ва кўплаб меҳмонлар иштирок этдилар.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**



**СУРАТЛАРДА: Ҳамза тумани ФХДЁ бўлими янги биносининг очилиш маросимидан лавҳалар.**
**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**



*Нишондорларимиз*

## БОЛАЛАР ҚАЛБИГА ЙЎЛ ТОПИБ

**Республикамизда аксарият хотин-қизлар оилада фарзандлар тарбияси билан шуғулланиш билан бирга, халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилиб, эл-юрт таҳсинига сазовор бўлмоқдалар. Шулардан бири Сергели туманидаги 300-мактаб лицейнинг директори «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳибаси Дилшода Абдуназаровадир.**

Ўрта мактабни кумуш медаль билан битирган Дилшода 1961 йилда меҳнат фаолиятини 144-мактабда ёшлар етакчилигидан бошлади. Сўнг Тошкент педагогика институтининг тарих факультетига кириб ўқиди.

Институтни битиргач шаҳарнинг турли мактабларида муаллим, илмий бўлим мудири, директор вазифаларида ишлаб, тарбиянинг сир-асрорини пухта эгаллади. Ҳамкасблари ўртасида ҳурмат-эътибор топди. Шунинг учун ҳам 1990 йилда Сергели туманида республикада биринчи ташкил этилган 300-мактаб-лицейга раҳбар танланганда кўпчилик Дилшода Абдуназарова номзодини қўллаб-қувватлади.

Янги ўқув даргоҳининг раҳбари кадр танлашни ҳам, ўқув-тарбия ишларини йўлга қўйишни ҳам билди. Кўп вақт ўтмай 300-мактаб-лицей кўпчилик оғзига тушди.Бу ерда фарзандини ўқитишни истайдиган ота-оналар сони кўпайди. 300-мактабнинг бошқа мактаблардан фарқи шундаки, унда 1-синфданоқ болалар лицей дастури бўйича ўқитилади. Ўқувчиларга табиий фанлар, жумладан, физика, математика, биологиядан кенг дастур асосида таълим берилади. Мактаб-лицейнинг нуфузи ортиб бораётганлигини шундан ҳам билса бўладики, у дастлаб очилганда 1200 ўқувчиси бор эди. Ҳозир эса ўқувчилар сони 3162 нафарга етди ёки икки ярим баравардан зиёдга кўпайди.

Лицей ўқувчилари ҳар йили туман, шаҳар ва республика олимпиадаларида иштирок этишади. Аксарият ҳолларда туман олимпиадасида 18-20 нафар, шаҳар олимпиадасида 5-6 нафар ўқувчи биринчи ўринни, республика олимпиадасида эса совринли ўринларни эгаллашади.

Лицей республика Халқ таълими вазирлиги ўтказган танловларда қатнашиб, «1998 йил мактаби», «2000 йил мактаби» совринларини қўлга киритган. Бу муваффақиятларда, табиийки, мазкур ўқув масканига ўн тўрт йилдан бери раҳбарлик қилиб келаётган Дилшода Абдуназарованинг муносиб ҳиссаси бор.

— Дилшода Умаровнанинг битта яхши фазилати бор, — дейди 300-мактаб-лицейнинг илмий бўлим мудири Малика Абдуллаева. —У киши ўткир психолог, кадр танлашга усталар. Ўйлайманки, айнан шунинг учун ҳам бизнинг мактаб ўқувчиларининг билим савияси юқори, кўплари олий ўқув юртларига муваффақиятли киришади. Мактабнинг қурилиши, синфларнинг жой-жойига қўйилиши, дастурларнинг пухта ўтилиши ҳам аввало раҳбарга боғлиқ. Шу жиҳатдан Дилшода опадан кўп нарса ўрганса бўлади.

Дилшода опа болаларга меҳрмуҳаббатли аёл. Биринчи синфга кирса, биринчи синф ўқувчисидай, бешинчи синфга кирса, худди шу синф ўқувчисидай бўлади. Ўн биринчи синф ўқувчилари билан эса ўзига тенгқур, катта одам билан гаплашгандай тиллашади.

— Инсон яхши тарбиячи бўлиши учун мактаб ҳаёти билан яшаши керак, — дейди Дилшода опа. — Ўқувчиларга тўғри тарбия бериб, тўғри йўл кўрсата билиши, юриш-туришда уларга намуна бўлиши керак. Агар ўқитувчи болалар ҳаётини билмаса, уларнинг қалбини тушунмаса, ундан ҳеч қачон яхши педагог чиқмайди.

Дилшода опа мактабсиз, болаларсиз ўз ҳаётини тасаввур этмайди. Ҳатто меҳнат таътилида бўлган пайтларида ҳам лицейга ҳар куни бир келиб кетмаса хотиржам юролмайди. Бундай раҳбар ишлаган жойда ишлар намунали бўлиши табиий, албатта.

Ҳозир бу билим даргоҳида ишлаган педагоглардан ўн бир нафари шаҳарнинг турли мактабларида раҳбарлик лавозимида ишлашмоқда. Уларнинг барчаси Дилшода Абдуназаровани ўзларининг устозлари санашади. Инсонга бундан ортиқ бахт бўлмаса керак.

**Аваз НАЗИРОВ**
**СУРАТДА: Дилшода Абдуназарова ўқувчилари даврасида.**
**Алексей Попов олган сурат.**

Шарқ дурдоналари

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Қадр-қимматни, «етти ёт бегонадан» тортиб, инсон зоти борки, ҳаммасини эъзозлашимиз керак. Ишонган боғимиз, суянган тоғимиз — ота-онамиздек азизу ноёб зотларни қайта топиб бўладими?! Атрофимизда юрган ака-ука, опа-сингил, қариндош-уруғ, дўсту ёр, қўни-қўшни, ҳамма-ҳаммамиз бир-биримизга ғаниматмиз.

ҲИКОЯТ.

Бир кекса кампирнинг яккаю ягона ўғли бўлиб, у уйлангач хотинининг сўзига кириб онасига овқат берганда туртар, сўз айтганда жеркар, волидасига ҳеч рўшнолик кўрсатмас экан. Вақти қазоси етиб, она вафот этибди, ўғли эса эл-юрт ўртасида обрў-эътибор топмоқчи бўлиб онаси тобути устида гирён уриб йиғлабди, кейин ҳар маъракасида қозон-қозон ош дамлаб элга едирибди. Бир кун она ўғлининг тушида оқ кафанга ўралиб келиб, йиғлаб нола қилибди:

— Эй болам, мен учун энди азият чекиб ҳар хил маъракалар қилмай қўя қол, мен жаннатдаман, — дебди, сўнг икки мисра мана шу шеърни айтибди:

**Тиригимда айламадинг мени дил шод,**
**Ўлганимда хоҳ қилгин шод, хоҳ қилма шод.**

● Одамзод тириклигининг зийнати бир-бирини қадр-қиммат қилиб, меҳр-оқибат кўрсатиши билан безанади. Одатда, яхши одамлар иззатталаб, ҳақталаб, илтимос талаб бўлишмайди. «Мен мана бундай меҳнат қилдим, мен мана бундай иш кўрсатиб қўйганман», деб кўкракка урмайдилар, шон-шавкатларини кўтаришга аюҳаннос солиб, мукофот талаб қилишмайди. Яхшилар ҳалол меҳнатлари билан эл-юртга катта фойда келтириб, камтарона ҳаёт кечираверадилар. Ҳеч бир қадр-қиммат, меҳр-оқибат кўрмайдилар, буни ўзлари билиб, ўзлари эзиладилар. Қазои муаллақ етиб келганда эса: «Ҳаёт шунақа экан-да», деб кўзга сўнгги ёшни оладилару бу дунёдан кетадилар. Олижаноб ва покдил бундай одамларнинг атрофида юрган баъзи калтафаҳм, нодон, худбин кимсалар уни қадрлашни, меҳр-оқибатни кўрсатишни хаёлга ҳам келтирмайдилар. Чунки пок одам ҳалол яшаган, худбинларга қўшилиб ҳаром емаган, уларга елпатаклик ҳам қилмаган. Қора юрак кимсалар тўғри ва ҳалол одамни ёқтирмай, ҳатто номини ёмон отлиққа чиқаришга ҳамла ҳам қиладилар. «Қилмиш — қидирмиш» деганларидек, қора юрак кимсалар кўп ўтмай ҳаётдан тегишли азоб ва жазони оладилар. Ачинасан, ачинасан, яхши одам қадрини тополмай кетганига ачинасан. Лекин, олтин коса синган билан баҳоси паст бўлиб қолмаганидек, яхши одамнинг қадр-қиммати ҳеч қачон йўқолмайди, номи ўчмайди. Дунёда яхшилар бор экан, ёмонлик ғолиб чиқолмайди.

ҲИКОЯТ. Бир доно ҳакимдан одамлар сўрашди:

— Бу дунёда яхшилар кўпми, ёмонларми?

Доно ҳаким жавоб берди:

— Дунёда яхшилар кўп, ёмонлар оз... Бир тасаввур қилинг. Бир челак тоза сувга бир томчи қора сиёҳ тушса, ҳаммасини булғайди. Она табиат эса сувни ҳаволатиб, оқизиб, думалатиб, барибир қора сиёҳ доғидан тозалайди... Одамлар ҳам шундай, тозалик, поклик, софдиллик инсон табиатида олам охиригача туради, яхшилар борки, бу дунёда гуллаб-яшнаб омон яшаяпти...

БАЙТ:

**Боқаман кўзда зиё, мангу барқарор дунё,**
**О, кенгга кенгдир дунё, торга эса тор дунё.**
**Кимдир ҳаёт ошиғи, баланд парда қўшиғи,**
**Суйганга суюк дунё, суймаганга тор дунё.**

*Яхшидир аччиқ ҳақиқат*

# БЕМИННАТ ДАСТЁР, ЛЕКИН...

## уяли телефон хусусидаги айрим мулоҳазалар

**Шифокор улфатларимиз билан бир ойда бир марта ўтказиладиган навбатдаги дийдорлашув каминанинг хонадонида уюштирилди. Дастурхон атрофига тўпланган 15 чоғли меҳмонлар ўртасида турли мавзуларда суҳбатлар бўлди. Суҳбатимиз ҳозирги пайтда ҳаётимиздан чуқур ўрин олган уяли телефон хусусида келиб тақалганда гурунгимиз қизиди. Бу гал тўпланган улфатлар дилида уяли телефон билан боғлиқ сўзлар тўпланиб қолган экан...**

— Ҳаммангизга маълумки, биродарлар, — дея сўз бошлади улфатдошларимиз сардори, таниқли шоир ва ҳарбий шифокор, Қуролли Кучларимиз фахрийси Искандар Раҳмон, — менинг қизим ва куёвим ҳамда невараларим Мустақиллигимиз шарофати билан чет элда ишламоқда ва билим олмоқда. Аёлим Шарофатхон билан уларни соғинган пайтларимизда беминнат дастёр — телефон жонимизга оро киради. Қизим, куёвим, невараларим билан телефон орқали дийдорлашиб турамиз, уларнинг аҳволидан хабардор бўламиз. Шундай пайтларда бундай қулай алоқа воситасини ўйлаб чиқарганларга тасаннолар айтамиз.

— Жуда тўғри айтдингиз, Искандархон, — деб унинг сўзини маъқулларкан Файзулла Юсупов, сўнг фикрида давом этди: — дарҳақиқат, телефонлар, айниқса шу кунларда кенг расм бўлган уяли телефонлар ҳаётимизга шу даражада сингиб кетдики, уни оддий сўз билан ифодалаш мушкул. Сиз айтганингиздек, бирор яқин кишингиз узоқларда бўлса телефондан ортиқ беминнат дастёр йўқ.

— Дарҳақиқат, уяли телефонларнинг баҳоси йўқ. Кўча-кўйда, идора ва ташкилотларда, хуллас, қаерга борманг унинг хизматидан фойдаланаётган минг-минглаб ҳамюртларимизни кўрасиз, — дея суҳбатга қўшилди улфатлардан яна бири Яшин Файзуллаев. — Лекин шу масалада менинг бир шахсий фикрим бор-да. Уяли телефондан фойдаланадиган ва фойдаланиш мавриди бўлмаган вақтлар бўлади. Афсуски, кўпчилик ёшларимиз ана шу оддий ҳақиқатни унутиб қўйишмоқда.

Улфатдошлари сўзларини боядан бери жим эшитиб ўтирган Пўлатхожи Ҳошимов пиёладаги чойдан бир ҳўплади-да гурунгга қўшилди:

— Яшинхоннинг ҳозир айтган гаплари каминанинг ўзи гувоҳи бўлган бир воқеани яна эсимга солди. Ҳаммамиз бандамиз. Ҳаёт бор экан, ўлим ҳам бор. Яқинда фоний дунёдан боқий дунёга рихлат қилган бир биродаримизни сўнгги йўлга кузатиб пойтахтимизнинг Кўкча даҳасидаги Шайх Зайниддин жоме масжидига, дафн маросимига бордик. Унга тумонат одам тўпланди. Жойи жаннатда бўлгур Қурбон ота жуда мўмин, беозор инсон эди. Фақат яхши сўзи ва эзгу амаллари билан эл орасида, маҳалла-кўйда ҳурмат қозонганди. Дафн маросимига келган марҳумнинг қавму қариндошлари, фарзандлари, невара-эваралари, кўйингки, уни билган инсонларнинг ҳаммаси оғир изтиробда эди. Жаноза ўқилгач, тобутни кўтарган пайтимизда менинг кўнглимни абгор этган воқеа юз берди.

Пўлатхожи ака чуқур бир хўрсинди-да, улфатдошларига қараб сўзида давом этди:

— Бир вақт тобут орқасидан кетаётган оломон орасида телефон жиринглаб қолди. Орқамда келаётган ингичка мўйловли бир олифта йигит баланд овозда:

— Диля, асалим, жоним, мен ҳозир қабристондаман, ярим соатдан сўнг ўша ўзим айтган «Шератон» ресторанида учрашамиз, маза қилиб дам оламиз, — деса бўладими?

Овоз келган тарафга ғазаб билан қарадим, ўзимни тўхтата олмадим:

— Қанақа нодонсан ўзинг, лоақал сўнгги йўлга кузатаётган марҳумни ҳурмат қилсанг бўлмайдими, — дедим унга нафрат билан.

Бу гапимдан ҳалиги олифта йигит асло изза бўлмади. Кўзларини менга лўқ қилиб:

— Менга ақл ўргатманг, бобой, насиҳатларингизни невараларингизга қилинг. Пулини тўлагандан кейин қулимдаги телефон билан қачон, қаерда, ким билан гаплашиш менинг ишим, — деди бепарволик ва кўрслик билан.

— Ҳайф сенга, — дедиму ундан узоқлашдим.

Менга энг алам қиладигани шу бўлдики, атрофимизда бораётган одамлар ўша олифта йигит билан менинг ўртамда бўлаётган можарога томошабин бўлиб, лоқайд қараб туришарди.

Пўлатхожи ака ўзи билан рўй берган ва унинг кўнглини абгор этган юқоридаги воқеани сўзларкан даврада ўтирганлар бошларини сарак-сарак қилиб уяли телефон билан боғлиқ ўзлари гувоҳи бўлган бошқа воқеаларни гапиришга шошилишарди.

Даврада ўзининг қизиқ, латифанамо гаплари билан одамларни ўзига қаратадиган Ҳусниддин Ёқубов бир илжайиб, сўз бошлади:

— Мен ҳам ғаройиб ҳодисанинг гувоҳи бўлдим. Айтсам ишонмаслигингиз ҳам мумкин. Ҳаммаларингиз жуда яхши биладиган, ёшлик пайтингизда унинг хизматидан кўп фойдаланган Эски Жўва бозори ҳудудида жойлашган қадимий ҳаммомга тушган эдим. Шу десангиз ювиниб турган эдим, бирдан ичкаридаги иссиққа тобланадиган хонадан бир одамнинг баланд овозда гапирган сўзлари қулоғимга чалинди:

— Нега айтганимни қилмадинг? Ҳозир ёнингда бўлганимда онадан туғилганингга пушаймон едирардим. Мен ҳеч нарсани билмайман. Айтган ваъдангни бажармасанг мендан кўрасан. Бир соатдан сўнг айтилган нарсаларни муҳайё қилиб қўй. Ҳеч қандай баҳона кетмайди.

Кейин билсам иссиқхонада ўтирган ҳалиги шахс ёнидаги ҳамроҳи билан эмас, балки ҳаммомга олиб кирган уяли телефон билан гаплашаётган экан. Мана бунисига нима дейсизлар?

— Қаёқдаги қизиқ гапларни топиб юрасиза,— дея хахолаб кулди таниқли аскиячи ва сўз устаси Жалолиддин Раҳимов. — Айтингчи, Ҳусниддин, ишқилиб эски ҳаммомдан эсон-омон чиқдингизми?

Ўртада ширин кулги кўтарилди. Гап навбати улфатларнинг энг ёши улуғи бўлмиш Абдувоҳид ака Умрзоқовга келди.

— Мен ҳам қаторингиздан қолмай, — дея сўз бошлади у. — Тунов куни денг коллежда ўқийдиган неварам ғалати гап топиб келди. «Бобожон, биласизми, бугун дарсхонамизда устозимиз билан қўшни маҳаллада яшовчи Қаюм амакининг невараси Дилмурод жанжаллашиб қолди. Унга коллежимиз раҳбари ҳам аралашдилар. Устозимиз мавзуни тушунтираётган пайтларида Дилмурод қўлидаги уяли телефонда ким биландир гаплашаётган экан. Буни кўриб устозимизнинг жаҳллари чиқиб кетди. «Отангни олиб келмагунингча ўқишга киритмайман», — дедилар».

Ҳар бир сўзини чуқур ўйлаб, мушоҳада билан айтадиган Мирусмон ака Миркомилов ҳам ўзи бевосита автобусда гувоҳи бўлган воқеани сўзлаб берди:

— Бир дўстимизникига ҳашарга ошга борган эдим, — деб сўзини бошлади Мирусмон ака. — Шу денг қайтишда автобусга ўтирдим. Эрталаб бўлгани боис автобус йўловчилар билан тўла эди. Бир барака топгур ўрнини бўшатиб берди. Катта шоҳ кўчадан машина деразасидан атрофга қараб, хаёл суриб келаётган эдим, худди менинг тепамда телефон жиринглаб қолди:

— Вой, Нази, ўзингмисан, нега юз долларлик пулдек кўринмайсан? Кеча кафеда маза қилдиқ, роса рақс тушибман. Бошим отилиб кетай деяпти. Қачон кўришамиз? Баҳона кетмайди. Всё. Бугун учрашамиз. Ўша жойда, ладно?!

Лабларига қизил бўёқ суркаган, қора кўзойнак таққан бу танноз қиз учун автобусда гўё ҳеч ким йўқдек эди. У кўпчилик орасида қўлидаги уяли телефонда ўзига ўхшаган тарбиясиз дугонаси билан гаплашганидан мағрурланиб кетар, автобусдагиларнинг ҳаммаси ҳайратда эди...

— Оббо сизлар-ей, кўпчиликнинг дилида айтмоқчи бўлган гапларингиз тоза тўпланиб қолган экан-да, деди улфатдошларимиз сардори Искандар Раҳмон. — Менда ҳозир айтилган фикр-мулоҳазалар хусусида айтадиган бир таклиф бор. Улфатларимизнинг бугун айтган гаплари аччиқ, аммо очиқ гаплардир. Шу айтилган гаплар бошқаларига сабоқ бўлиши учун уни бирор газета саҳифасида ёритиш керак.

— Жуда тўғри таклиф, маъқуллаймиз, маъқуллаймиз, — дейишди Ўткир Ваҳобов, Акбар Қодиров, даврада қатнашаётган ҳофизлар Валижон Абдуллаев, Набижон Иброҳимов, Баҳромжон Эргашев ва бошқа улфатдошлар. Ва уларнинг таклифи, илтимоси билан уяли телефон билан боғлиқ баъзи фикрларни, айрим мулоҳазаларни бугун «Тошкент оқшоми» газетаси муштарийлари диққатига ҳавола этар эканман, бизнинг ҳеч биримиз асло уяли телефонларга қарши эмаслигимизни, техника тараққий этаётган, илм-фан ривожланган бир даврда бундай телефонлар бизларга жуда-жуда ҳам кераклигини алоҳида таъкидламоқчимиз. Мамлакатимизда, унинг пойтахти гўзал Тошкентда довруғи жаҳонга кетган уяли телефон хизмати кўрсатадиган компанияларнинг ваколатхоналари ишидан ҳамма мамнунлигини зўр қониқиш билан эътироф этмоқчимиз. Айниқса, бундай телефонлар юртимизда фаолият кўрсатаётган минг-минглаб тадбиркору ишбилармонларга жуда ҳам қўл келяпти, уларнинг мушкулларини бир зумда осон қиляпти. Бироқ, ҳамма нарсанинг ўз ўрни, ишлатиладиган ишлатилмайдиган вақти-соати бўлади. Уяли телефонларни ҳуда-беҳудага, бошқаларга кўз-кўз қилиб ишлатаётган кишиларнинг ҳатти-ҳаракатлари ҳеч қандай қуюшқонга сиғмайди. Улар бизнинг қадриятларимизга, менталитетимизга, қолаверса тарбиямизга, урф-одатларимизга бутунлай зид. Сизларнинг шу хусусдаги фикр-мулоҳазаларингизни ўзингиз севиб ўқийдиган «Оқшом» газетаси таҳририятига йўллайсиз, деган умидда дил сўзларимизни шу ерда мухтасар этдик.

**Солиҳ ЁҚУБОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.**

*Табиат ажойиботлари*

# ЖОНИВОРЛАР ЎЛЖАСИНИ ҚАНДАЙ ОВЛАЙДИ?

**Галипагос тизмаларида яшовчи вьюрок қушчага қизил иштонли вьюрок деб ном берилган, чунки у кўп жиҳатлари билан ҳақиқий қизил иштонга ўхшайди. Фақат узун ва эластик тили йўқлиги билан ундан фарқ қилади.**

Ушбу қуш дарахт ёриқлари ёки пўстлоқ чуқурчасидан ҳашаротларни кактус нинаси ёки нозик новдалар ёрдамида олиб ейди, шунингдек, ўз қуролини олдиндан тайёрлаб қўйиган ҳолатлари, ўз ўлжасини заҳирада сақлаш, яъни кейинчалик махсус қурол билан олиб еганлиги кузатилган.

Баъзи бир қушлар, масалан, миср қузғуни йирик, пўчоғи қаттиқ тухумларни тош билан уриб синдиради.

Шунингдек, яна бир тоифадаги қушлар болғача сифатида ҳар хил жисмлардан фойдаланади, масалан, Австралия сўфитўрғайи тирик моллюскаларнинг косачаларини очиш учун эски чиғаноқлардан фойдаланади. Какаду деган қуш эса бошқача усул ишлатади. Пўчоғи қаттиқ ёнғоқни тумшуғида ушлаб турган ҳолда том маънода арралайди, у оғзидан сирғаниб кетмаслиги учун унинг атрофига ўша дарахт баргидан қўйиб чиқади.

Сут эмизувчиларга келганда биринчи навбатда денгиз сувсарини мисол қилиш мумкин. Баъзи бир маълумотларга қараганда мазкур жонивор ўзига хос оёқлари билан гугурт донаси ёки нинани ушлаб туриши мумкин. Бу жониворларнинг хуш кўрган овқати осминог ва денгиз кирписи, денгиз тубида ҳам ҳаракат қиладиган умуртқали жониворлар, шунингдек, балиқлар ҳам бундан мустасно эмас, албатта.

Денгиз тубига шўнғиган сувсар кўкрак қафасида жойлашган чўнтакларига бир неча бош ўлжасини солганича қуруқлик томон ҳаракат қилади ва ер юзига чиқиб олиб уларни ейди. Икки қопқоқли йирик моллюскалар билан озиқланганда кўкрагидаги чўнтакларига тош солиб олади ва ундан моллюскаларнинг косачаларини очишда фойдаланади, бундай ҳаракатлар сув остида бажарилади. Америкалик, зоолог Б.Шиллернинг маълумотига қараганда ана шундай сувсарлардан бири 1,5 соат давомида сувдан 54 дона моллюскани олиб чиққан. Қурол ишлатиш ҳолати тутқунликдаги филларда ҳам кузатилган. Москва ҳайвонот боғида Шанго номли фил филларни боқувчи аёлни ёмон кўриб қолади ва ҳар гал қулай вазият бўлганда унга тош бўлакларини отади. Хизматчилар тошларни йиғиб-териб олсаларда, аммо бу ёрдам бермади. Шанго хизматчига картошка, лавлаги каби мева-сабзавотларни ота бошлади ва ниҳоят хизматчини бошқа ишга ўтказишга мажбур бўладилар.

**Яхё ДАВЛАТОВ,**
**биология фанлари доктори.**

*Спорт*

## МАШҒУЛОТЛАР НИҲОЯСИГА ЕТДИ

**Миллионлар ўйини — футболнинг тараққий этиши аввало болалар ва ўсмирлар футболи ривожига боғлиқ. Ушбу масалага эътибор қаратган юртдагина футболнинг довруғи оламни тутади.**

Куни кеча «Пахтакор» марказий стадионида ўтказилган ўқув-машғулот йиғинлари ниҳоясига етди. Шуниси эътиборлики, ушбу йиғинларда болалар ва ўсмирлар футболи мураббийлари иштирок этишди. Мураббийларимизнинг малакасини ошириш мақсадида Германиядан келган Майкл Мисс етакчилигидаги мутахассислар йиғин қатнашчиларини футбол оламининг энг сўнгги янгиликларидан бохабар этишди, амалиёт бўйича сабоқлар беришди.

Албатта бу каби ўқув семинарлари келажакда ўз самарасини беради.

## ШАҲРИМИЗ ВОЛЕЙБОЛЧИЛАРИ — БИРИНЧИ

**Навоий шаҳридаги «Сўғдиёна» спорт мажмуида Республика миқёсида аёллар спартакиадаси мусобақалари ўтказилди.**

«Соғлом авлод учун» жамғармаси ташаббуси билан аёллар ўртасида спортни оммалаштириш мақсадида уюштирилган ушбу мусобақаларда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда бошқа вилоятлардан келган 300 нафар спортчи волейбол, баскетбол бўйича ўзаро баҳс олиб борди.

Шуниси қувонарлики, волейбол баҳсларида бошқалардан кўра сермазмун ўйин намойиш этган шаҳримиз жамоаси биринчи ўринни эгаллаган бўлса, баскетбол мусобақаларида чаққон, эпчил ҳаракат қилган навоийлик қизларга шоҳсупа тўрининг энг юқори поғонасидан жой олиш насиб этди. Умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра рақибларидан кўп очко жамғарган Навоий вилояти жамоасига берилди.

Қизиқарли ўтган спартакиада мусобақалари якунида ғолиб ва совриндорлар совринлар, эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**(Ўз мухбиримиз)**

*Европа чемпионати*

## КЕСКИН ВА ҲУЖУМКОР БЕЛЛАШУВЛАР

**Ўтган жума куни «С» гуруҳидан ўрин олган жамоалар ўртасида иккинчи тур ўйинлари бўлиб ўтди.**

Болгария—Дания ўйинининг ўзига хос жиҳати шунда эдики, дастлабки беллашувда 5:0 ҳисобида мағлубиятга учраган болгарлар чемпионатнинг энг заиф жамоаларидан бири сифатида баҳоланаётган бўлса, данияликлар Италия термасидек жуда кучли жамоа билан тенгматенг ўйнаганди. Бинобарин, ушбу ўйинда ҳам данияликларнинг ғалаба қозониши кутилаётганди.

Дарҳақиқат, 1992 йилги Европа чемпиони бўлмиш данияликлар ушбу учрашув давомида юксак техникага асосланган ҳужумкор руҳдаги ўйин кўрсатишди. Шундай бўлса-да данияликлар фақат 44-дақиқадагина ҳисобни очишди. Тажрибали ҳужумчи Йон-Дал Томассон болгарлар дарвозасига чиройли тўп киритиб, ўз жамоасининг биринчи бўлимдаги ғалабасини таъминлади.

Қизиғи шундаки, данияликлар қанчалик ҳужумга зўр беришмасин, улар иккинчи бўлимда ҳам фақат қўшимча вақтда Йеспер Гронкьяернинг аниқ зарбасидан сўнг рақиблар дарвозасини «ишғол» қилган ҳолда 2:0 ҳисобидаги ғалабага эришишди.

Италия ва Швеция терма жамоалари ўртасидаги ўйин гуруҳдаги марказий беллашув дея баҳоланди. Дарҳақиқат, ҳужумкор ўйинга асосланган Швеция ҳам, ҳимоявий тактикани қўлловчи италияликлар ҳам ушбу гуруҳнинг етакчи жамоалари эди.

Мазкур муҳим беллашувда моҳир ҳужумчи, қўпол ҳаракати учун 3 та ўйинга четлатилган Франческо Тоттининг майдонга тушмаганлиги италияликлар учун оғир йўқотиш бўлди. Ва унинг ўрнини Кристиан Виери босишга ҳаракат қилди.

44-дақиқада Кристиан Пануччи узатган тўпни Антонио Кассано боши билан дарвозага киритган ҳолда ҳисобни очди.

Иккинчи бўлимда шведлар уюштирган кўплаб ҳужумларнинг бири самарали якунланди. 85-дақиқада Златан Ибрагимович дарвозага деярли орқаси билан турган ҳолда чиройли зарба билан тўпни юқори бурчакка йўллади. Бунда дарвозабон ўрнини эгаллаган Виерининг зарбани боши билан қайтаришга уриниши ҳеч қандай натижа бермади.

Қизиқарли ўйин 1:1 ҳисобида тугади ва Швеция 4 очко жамғаргани ҳолда гуруҳда пешқадамликни қўлга киритди.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР


*Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!*

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
TOSHKENT
МБМ

**«ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ»**

**Сизларни биржа савдоларига таклиф этади**

**Биржа савдоларига «Автомакон» савдо-ярмарка мажмуаси шўъба хўжалик жамиятининг Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси, 3-уйда жойлашган автомажмуа ҳудудидаги майдони 18 кв.метрдан бўлган қуйидаги товар турлари сотиш учун мўлжалланган турғун савдо дўконлари қўйилган:**

кийим-кечак ва пойабзал моллари;
газмоллар;
канцелярия моллари;
электр ва хўжалик моллари;
маиший кимё тозалаш моллари;
озиқ-овқат моллари;
«DAEWOO» авто-эҳтиёт қисмлари;
авто улов аксеесуарлари;
чет-эл авто улов эҳтиёт қисмлари;
«ГАЗ», «ВАЗ» ва «Москвич» авто-эҳтиёт қисмлари;
авто лак-бўёқ маҳсулотлари;
автошина ва ғилдираклар.

**Ҳар бир савдо дўконнинг бошланғич баҳоси — 3 000 000 сўм.**

**Ҳамда қуйидаги объектлар:**

Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон кўчаси, 11-уйда жойлашган, майдони 1 642 кв.метр бўлган «Нур» мажмуаси;
Бошланғич нархи — 750 000 000 сўм;

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, И.Франко кўчаси, 38а-уйда жойлашган «O'zdavlatta'limloyihaqurilish» МЧЖнинг 90 фоизлик давлат улуши;
Бошланғич нархи — 1 514 250 сўм;

"Руслан Шамшади" хусусий корхонаси балансида бўлган қуйидаги дастгоҳлар:
— СМЖ-357 дастгоҳи, бошланғич нархи — 1 400 221 сўм,
— Токарлик-револьверли 1Г 340 П дастгоҳи, бошланғич нархи — 5 338 396 сўм.

**Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунида соат 11-00 дан 12-00 гача ҳамда 16-00 дан 17-00 гача "Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази"да бўлиб ўтади.**

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.**
**Телефон: 132-25-51, факс: 133-20-74.**
**Сайт: www.tshmbm.uz; Эл.почта: info@tshmbm.uz ва Birja@mail.tps.uz**



• кенг ассортимент • арзон нархлар •
КАНЦТОВАРЛАР
ҚОҒОЗ ва БЛАНКАЛАР
биринчи қўлдан!!!
OFFICE TRADING
*Офисингиз учун ҳамма нарса*
199-42-22, 199-43-33
www.officetrading.com
Маҳсулот сертификатланган
• янги маҳсулотлар • хақ тўлаш - турлича •
• Улгуржи мижозларга Тошкент шаҳри бўйича БЕПУЛ етказиб бериш •



"ИШЛАБ ТОП!"

**Жаноб тадбиркорлар ва муҳтарам корхона раҳбарлари!**

Биз навқирон, иқтидорли, ғайратга тўла ёшлармиз. Бизга фақат Сизнинг тажриба ва кўмагингиз етишмаяпти. Ғайрат ва тажрибани бирлаштириш вақти келди. Чунки бу — муваффақиятга олиб борувчи энг қисқа йўл.



KAMOLOT TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI



Тошкент шаҳар "КАМОЛОТ"и тадбиркорларга "Ишлаб топ" ижтимоий акциясида фаол иштирок этиб, ёшлар учун мавсумий иш ўринларини тақдим этишни таклиф қилади.
Қўшимча маълумотларни

137-72-20, 137-72-21

телефон рақамлари орқали алоқа марказидан олишингиз мумкин.
Ёки ушбу вебсайтлардан акция ҳақидаги ахборотга эга бўлишингиз мумкин:

www.tashkentkamolot.uz
Www.2oxygen.com
www.kvn.uz

Акцияда қатнашган тадбиркорларга "Тасвир" нашриёт уйининг барча нашрларида реклама жойлаштириш учун имтиёзлар берилади.


Тошкент шаҳар, «        » « Бектемир туманидаги «DIAZ» хусусий ишлаб чиқариш тижорат корхонаси тугатилади. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой ичида қабул қилинади. Манзил: Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Строительная кўчаси, 12-уй.

Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи жамоаси боғ директорининг ўринбосари Эшреп Мамбетович Алиевга онаси

**Исма УМЕРОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.**
**Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.**
**Факс: (3712) 133-29-09.**
**Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 204-хона.**





**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

***ТЕЛЕФОНЛАР:***
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 136-57-65.
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
4172 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
**Нашр кўрсаткичи — 563**

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-709. 1 2 3 4 6